

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1/1

Нукус шахри.

"21" 11 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Қорақалпок ҲЭТК» АЖтиномидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари **А.Нурымбетов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган МЧЖ «Қарақалпак Махсус курилиш» номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари **Ж.Кеуилбаев** икки ташкилот ўртасида ишларни бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

Мазкур шартномада қуидаги таърифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларига мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда курилиш объектлари жумладан янгидан куриш ишларини бажаришга доир ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «Буюртмачи» томонидан Пудратчига берилган ер участкаси, объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади;

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Коракалпогистон Республикаси Бузатов тумани Бузатов МФЙда ёшлар саноат зонасига 6-10кВ электр энергияси тармоғини куриш ва трансформатор ўрнатиш ишларини бажариш, «Буюртмачи» эса бу ишларини қабул килиб олиш смета хужжатларини тайёрлаб, смета хужжатларига асосан ва бажарилган иш учун ҳак тулаш мажбуриятларини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, тўла таъмирлаш ишлари лойиха-смета хужжатларига асосан барча соликлар, йигимлари ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархда 134 600 000,00 (бир юз уттиз торт миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган ўзгаришлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Пудратчининг бажарилиши лозим бўлган объектдаги ишлари учун ўз техникаларини ўз хисобидан курилиш материаллари, ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлайди.

Объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва «Бош пудратчи»га топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

Шартнома шартларига асосан объектни «Буюртмачи»га тасдиқланган лойиха-смета хужжатларига мувофиқ топшириш;

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан курилиш коидалари ва меъёrlарига, белгиланган стандартларга амал килган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

Объектга зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка хом-ашёлар ва курилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларини бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дараҳатларни ва ер майдонини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажаришни таъминлайди:

Курилиш майдони кўрикланишини таъминлайди, урнатилган тартибда объектни суғурталашни таъминлайди;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан кабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Буюртмачи, Пудратчига биринчи навбатда зарурӣ материаллар учун шартнома кийматидан 50 % микдорида аванс беришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 (икки) кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади. Пудратчи томонидан бажарилган хақиқий курилиш-монтаж ишлари учун амалдаги қонун асосида Ф-2, Ф-3 ларга биноан толовни амалга оширилади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича _____ ишларини бажариб бериш, давом этириш вақти лойиха-смета хужжатлари асосида аникланади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртматчи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун Буюртмачи томонидан молиялаштириши асос хисобланади. Объектда бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома суммасининг 30 % микдорда олдиндан тўлайди. Қолган 70 % яъни якуний толовни «Пудратчи» ишлар бажарилганини тасдиқловчи хужжат Ф-2, Ф-3, ёки далолатнома тақдим қилингандан сунг амалга оширади.

7.2. Буюртматчи Пудратчига ишларни бошлаш учун ушбу шартномага мувофиқ аванс маблағи ўтказади. Аванс маблағларининг микдори Пудратчи томонидан тақдим этиладиган ва Буюртмачи томонидан куриб чиқиладиган объектда ишларни бошлаш учун биринчи навбатда зарур булган курилиш материаллари хисоби асосида аникланади.

7.3. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқукини ўзида сақлаб колади. Объектни Буюртмачига топширулгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шкастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда конун хужжатларida белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишида хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб килиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳуқукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи курилиш майдонига ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи

томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган таъмирлаш обьектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлуви масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.4 Пудратчи обьектда бажариган ишларининг хажмларини ижро хужжатларини, килинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур обьект учун биритирилган техник кузатувчи билан обьектнинг ўзида қуриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) Буюртмачига топширади..

8.5 Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.6 Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.7 Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.8 Пудратчи ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.9 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучи ва маблағлари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

8.10 Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

Пудратчи назорат дафтирида Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул килинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл кўйилганлиги аникланганда, кейинги ойларда бажарилған иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1 Ишларини бажарив бериш тугаллангунгача ва пудрат ишлари тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриклинишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилиниши мухокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР

11.1 Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха-смета хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажарилишини; ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала килинган ишлар аникланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни; объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

11.2 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланаб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Пудратчининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

11.3 Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чикиш "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

11.4 Пудратчи текшириш даврида аникланган камчиликлари учун тулиқ жавобгар хисобланиб, 100 % миқдорида ўз томонидан бартараф этади.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи: Шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда; Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда; Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; Конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

12.2 Пудратчи:

Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; Конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

12.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

12.4 Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Тўла таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот конунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ "Буюртмачи" олдида кўйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

"Буюртмачи" билан тузилган шартнома асосида тўла таъмирлаш ишларини ва бошка ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж килиш муддатларини бузилиши;

Тўла таъмирлаш ишлари жараёнида ёки оралиқ қабул килишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошка назорат органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этиш орқали суриш;

Шартномада кузда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасида чекиниш ёки бошка камчиликлар мавжудлигига Буюртмачи, агар конунчилик ёки шартномада бошка шартлар кузда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра кўйидагиларни талаб килиш хукукига эга:

Нуксонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишни;

Агар Пудратчи ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вактида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш хукукига эга.

13.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечкитирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод килмайди.

13.3 Пудратчи томонидан обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий хукукий баъзаси тўғрисида"ги 29.08.98 йилдаги конунларига амал қилган ҳолда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома барча ўзгаришириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, ҳакиқий хисобланади.

15.2 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришишлар шаклида ёзма равишда тасдиклиши керак.

15.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

15.4 Мазкур шартномани томонлар имзолаган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабр кунигача амал қиласи.

15.5 Мазкур шартнома ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Буюртмачи»

«Пудратчи»

«Қарақалпоқ ҲЭТК» АЖ

Манзил: Нукус шаҳри Дизел куч.№1
 банк :Бош оғиси АҚБ УЗ СКБ
 Ш.х/р: 20210000900314531439
 СТИР: 200357207, ОҚЭД: 35120
 МФО: 00440

Рахбар: 
 A.Нурымбетов

“Каракалпак Махсус курилиш” МЧЖ

Манзил: Тахиаташ тумани А.Палванов 41 уй
 банк :АҚБ Халқ банк Ходжели тумани
 Ш.х/р 20208000900503707001
 СТИР: 302617503 ОҚЭД: 41202 МФО: 00839

Рахбар: 
 Ж.Кеүилбаев

Хукукшунос  Ш.Даниярова

Юридическое заключение

Соглашения соответствует требованиям
 гражданского кодекса и Закона Республики
 Узбекистан "О договорно-правовой би
 дельности хозяйствующих субъектов".

 Sh. Danyarova
 Ознакомлен с условиями договора и соглашениями, включая
 условиями оплаты и условиями поставки, а также
 условиями гарантийного и послегарантийного
 обслуживания. Проверено, что условия договора и соглашения
 соответствуют действующему законодательству Узбекистана.

12.1. Буюртмачи: Шартнома кучи саргашаси яхши оғизниң тарбиятчысы болған
 күнде кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы иштеди
 шартнома түзүлүштүрүлдөк күнде кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы
 иштеди.

Пудратчи: Шартнома кучи саргашаси яхши оғизниң тарбиятчысы иштеди.

ШАРТНОМАДАКИ БЕКОР КИНИШ

Конуң дүйшілдерине жаубап болған ассоциирован бекор қорынынан тарбиятчы

күнүнде кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы иштеди.

Бекор қорынынан кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы иштеди.

Бекор қорынынан кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы иштеди.

Бекор қорынынан кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы иштеди.

Бекор қорынынан кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы иштеди.

Бекор қорынынан кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы иштеди.

Бекор қорынынан кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы иштеди.

Бекор қорынынан кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы иштеди.

Бекор қорынынан кийинчидеги жадид, диктүнг стиғи заманда оғизниң тарбиятчысы иштеди.

о. Даңғаров с. С.С.